



КИТОБ – БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати ҳовлисида китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори китобхонликни оммалаштиришга оид ишлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур тадбир ҳам китоб маҳсулотлари чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантиришга қаратилган эътибор ва эришилаётган натижаларни кенг жамоатчиликка намойиш этиш, халқимиз, жумладан, ички ишлар органларида меҳнат қилаётган ходимларнинг китобхонлик маданияти, маънавий оламини юксалтириш, ижодкорлар ва китобхонлар ўртасидаги мулоқотни жонлантиришга қаратилган.

Ярмаркада «Шарқ зиёкори» масъулияти чекланган жамияти, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи,

«Янги аср авлоди» нашриёти ҳамда «Китоб олами» маънавий-маърифий савдо мажмуаси томонидан илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-баддий, ҳуқуқий адабиётлар, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган китоблар намойиш этилди.

– Китоб инсоннинг ҳамроҳи, дўсти, кўмакдоши бўлиш билан бирга, буюк келажагимизнинг мустақам пойдевори ҳамдир, – дейди ЎЗА муҳбирига Ички ишлар вазирлигининг Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси бошлиги ўринбосари Тўлаган Абдуллаев. – Ярмаркада нафақат ички ишлар органи ходимлари учун зарур адабиётлар, балки уларнинг оила аъзолари, фарзандлари учун ҳам китоблар намойиш этилди. Шунинг учун ярмарка жуда қизгин ўтди. Мен ҳам ўзим ва оила аъзоларим учун бир неча китоб харид қилдим.

Г.САТТОРОВА

ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

«Баркамол авлод» Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан пойтахтимиздаги «Баркамол авлод» болалар марказлари раҳбарлари ва ўринбосарлар учун «Болалар ва уларнинг ота-оналари учун Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш имкониятлари» мавзусида амалий семинар ташкил этилди.

Унда шаҳримиз туманларидаги 11 та «Баркамол авлод» болалар марказларидан раҳбар ва ўринбосарлар ҳамда туризм соҳасидаги турли хил ташкилотлардан туроператорлар, мутахассислар ва ёшлар қатнашди.

Семинар давомида туризмнинг истиқболи, маданий-тарихий, экологик, экстремал, спорт каби йўналишларининг саёҳат турлари бўйича тақдимотлар намойиш этилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиги Р.Алимов очиб берди ва иштирокчиларни амалий семинарнинг мақсад ва вазифалари билан таништирди.

«X-Please» ички туризмни ривожлантириш жамиятининг етакчи туроператори Р.Хусанов томонидан «Ўзбекистондаги мавжуд дам олиш масканлари» мавзусида тақдимот намойиш этилди.

«Баркамол авлод» Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази услубчиси Е.Ярыгина «Ўзбекистонда ички туризм турлари» мавзусини ёритиб берди. Семинар давомида Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш, шаҳар ва туманларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофазат этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш, навқирон авлодни мамлакатимизнинг тарихий жойлари, азиз-авлиёлар ва буюк аждодларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларига ташрифларини уюштириш ҳамда уларда миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳи-

ни кучайтириш масалаларига алоҳида ургу берилди.

Семинарнинг иккинчи қисмида «Баркамол авлод» Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази услубчиси Н.Шивалдова томонидан «Ўзбекистонда экотуризм: қўриқхона ва миллий боғлар» мавзусида тайёрланган тақдимот намойиш этилди. Семинар иштирокчилари Ўзбекистоннинг бугунги кундаги экотуристик салоҳияти ҳамда мавжуд экотуристик объектилардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳақида маълумотга эга бўлди. «Ўзбекистонда экотуризм имкониятлари» мавзусидаги тақдимотда «Баркамол авлод» болалар марказларида туризм турларини амалиётга жорий этиш, мамлакатимизнинг экотуристик имкониятини ўрганиш ва бу соҳа орқали ўқувчи-ёшларда она заминни ардоқлаш туйғусининг шаклланиши айтиб ўтилди.

Шу билан бирга семинар иштирокчиларига «Ўзбекистоннинг маданий ва табиий мероси» ҳақида видеолар ҳамда экскурсияларда фойдаланишга мўлжалланган «Тошкентга саёҳат» ва Ватанимиздаги мавжуд тарихий масканларнинг ЮНЕСКО рўйхатидаги киритилган обидалари тўғрисида маълумот берувчи «Ўзбекистон шаҳарлари ЮНЕСКО эътирофиди» қўлланмаларининг тақдироти ўтказилди, улар тўғрисида тўлиқ маълумот берилди.

Семинар якунида маърузалар, тақдимотлар ва олинган маълумотлар тahlil қилинди.

Зиёда РАСУЛОВА

Спорт янгилликлари

ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ ЯНА ИШОНЧ

Маълумки, футбол бўйича 2010, 2014 йилларда ўтказилган жаҳон чемпионатларида қатнашиб, 9 та учрашувга бош ҳакамлик қилган ҳамюртимиз ФИФА рефериси Равшан Эрматов бу борада ўзига хос рекорд ўрнатган эди.

Қувонарли томони, Россияда ўтадиган жаҳон чемпионатида фаолият юр-тадиган 36 нафар реферининг якуний рўйхати эълон қилинди Бу рўйхатдан Равшан Эрматов етакчилигидаги ҳакамлар гуруҳи ҳам ўрин эгаллаган. Жаҳон чемпионати баҳсларида Равшан

Эрматов бош ҳакамлик қилса, қантолларда унга Абдухамидуллоҳ Расулов ва Жаҳонгир Саидов ёрдам беришади. Дарвоқе, жаҳон чемпионатида ишлайдиган ҳакамларнинг якуний рўйхатида видеоассистентлар ажратиб кўрсатилмаган.

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Геннадий Красницкий номидаги стадионда футбол бўйича 2003 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган турнирда 6 та жамоа иштирок этди.

«Пахтакор»нинг собиқ маҳоратли футболчиси ва мураббийси Идгай Тазетдинов хотирасига бағишлаб ўтказилган футбол мусобақаларини Ўзбекистон футбол ассоциацияси Фахрийлари кенгаши вакиллари, мураббийлар, мухлислар,

Идгай Тазетдиновнинг оила аъзолари томоша қилишди. Мурсасиз курашлар остида қизикарли кечган беллашувлар якунида шохсупанинг энг юқори поғонасини Бухоро БЎСМ жамоаси забт этган бўлса, фахрли 2, 3-ўринлар пойтахт

вакиллари – Тошкент Болалар спорт мактаби интернати ҳамда 1-сонли БЎСМ командаларига насиб этди.

Хотира турнири якунида голиб ва совриндор жамоалар мутасаддилар томонидан муносиб тақдирланди.

ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА КОМИССАР

Россияда футбол бўйича уюштирилаётган жаҳон чемпионати бошланишига тобора оз фурсат қоλλмоқда.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Россияда ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнаша олмас ҳам, мазкур нуфузли турнирда мамлакатимиз мутахассислари фаолият юритишади. Кунги кеча ФИФА расмий сайти хабар қили-

шича, жаҳон чемпионати тарихида илк марта ўзбекистонлик мутахассис комиссар сифатида ишлайдиган бўлди. Ўзбекистон футбол ассоциацияси Халқаро бошқармаси бошлиги ўринбосари Олим Арифов жаҳон че-

пионати – 2018 комиссарлари рўйхатидан ўрин эгаллади. Шу пайтга қадар нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдан бирор мутахассис жаҳон чемпионатларида комиссар бўлиб ишламаган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

БОКС МУСОБАҚАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Терма жамоага мос спортчиларни саралаб олиш, заҳира боксчиларини кенгайтириш мақсадида бокс федерацияси навбатдаги мусобақани ташкил қилди.

Жорий турнир йил давомида терма жамоа билан бирга ўқув-йиғин машғулотида иштирок этиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларни саралаб беради.

Мусобақادا Худойназар Файзов, Профсор Роришма каби тажрибали ёш

чарм қўлқоп усталарнинг иштирок этаётгани баҳслар нақадар мурсасиз кечишидан далолат беради. Икки кун давомида чорак ҳамда ярим финал баҳслари бўлиб ўтди, турнирнинг сўнгги кунда барча вазн тоифаларида финал жанглири бўлиб ўтди.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«PROMO TECHNOLOGY» МЧЖ
(ИНН 304538093)га тегишли бўлган куйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Лицензия варақаси	Давлат рақам белгиси
АТ № 0109799	01 R 729 WA
АТ № 0110360	10 A 496 PA
АТ № 0109324	01 F 875 UA

Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти томонидан 2013 йилда Саттарова Феруза Равшановна номига берилган № АА 002417 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Шарқ Чинор Боғи» боғдорчилик-узумчилик ширкати (ИНН 207079096)нинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Кундузи — 23-25 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 6 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 6 апрель кунги ҳаво ўзариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15.